

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 342.552+342.7 (575.1)

САИД-ГАЗИЕВА САМИРА ШЕРЗОДОВНА

**АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚ
ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ФАОЛИЯТИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ;
маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг “Конституциявий ҳуқуқ” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар – юридик фанлар доктори, профессор
Хусанов Озод Тиллабоевич

Расмий оппонентлар: юридик фанлар доктори, профессор
Кутибаева Елизавета Дуйсенбаевна

юридик фанлар номзоди
Хакимов Рахим Расулжонович

Етакчи ташкилот – **Мирзо Улуғбек номидаги**
Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш бўйича Д.016.15.03 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «___» _____ куни соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Диссертация билан Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Автореферат 2011 йил «___» _____да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
юридик фанлар номзоди, доцент

Зулфиқаров Шерзод
Хуррамович

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилди ва мазкур принцип асосида жамиятимиз ҳаётида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсади белгилаб олинди. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самараси ва муваффақияти кўп жиҳатдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Бу борада давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда “ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак”¹.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги юқоридаги концептуал сиёсий ғояларини амалга ошириш учун энг аввало, қонунчилик билан амалиёт ўртасида ўзаро боғлиқликка эришиш тақозо этилади. Яъни, бир томондан қонунчиликни изчил амалга оширилишини таъминлаш, иккинчи томондан эса қонунчиликни татбиқ этиш жараёнида олинаятган натижаларни кўзланган мақсадларга мослик даражасини аниқлаган ҳолда уни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурий ҳолга айланиб бориши лозим.

Мазкур фаолият йўналишларини ўтиш даври ислохотлари жараёнида ўта муҳим масала этиб эътироф этилиши “...аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасидаги узоқни кўзлайдиган “кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий қурилиши дастурининг мазмун ва моҳиятини ўзида ифода этади”².

Бинобарин, бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мавжуд ижтимоий воқелик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фақатгина махсус ҳуқуқий кафолатларни яратиш билан чегараланмасдан, балки бу борада юзага келаётган муаммоларни олдини олиш ва бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўриш тақозо этилмоқда. Бозор иқтисодиётига мос равишда тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг тегишли ҳуқуқлардан тўла фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига тўсқинлик қилувчиларга самарали чоралар кўриш ҳозирги куннинг муҳим масаласи бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш ва бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, адлия органларининг ролини ошириш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. –Тошкент. Ўзбекистон, 2006. –Б.63

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент. Ўзбекистон, 2005. – Б.27

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли “Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги тизимида илк бор Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус тузилма ташкил қилиш назарда тутилди¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов адлия органларининг бу борадаги масъулияти ҳақида тўхталиб ўтар экан, жумладан қуйидагиларга эътибор қаратади: “кўп ҳолларда фермерлар мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва таъмагирлик ҳолатларига дуч келмоқда. Адлия вазирлиги бу масалани алоҳида назорат остига олиши ва айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чораларни кўриши даркор”².

Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган мазкур вазифаларнинг ҳуқуқий асослари 2011 йил 23 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сонли қарорида ва унинг иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомда ўз ифодасини топди. Мазкур ҳужжатлар Адлия вазирлигининг (органларини) ваколатларини, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ фаолиятининг доирасини аниқ белгилаб берди.

Ўз навбатида, адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолияти нафақат ўзларининг асосий функцияларини, балки махсус вазифаларни ҳам бажариши лозимлигида кўринади. Бу ерда асосий вазифа – ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш бўлса, махсус вазифа – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш амалиётига кириб боришдан иборатдир. Шу билан бирга, адлия органлари бу борадаги ўз фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаларини такрорламасдан, балки, ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Илмий адабиётлардаги “Республика юстиция органларининг тузилмаси асосан шаклланганлигига қарамасдан, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан самарали амалий ўзаро муносабатларининг механизми етарлича йўлга қўйилмаган”³-деган фикр ҳам бу борада чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Шу жиҳатдан олганда, адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ваколатлари, уларни ҳимоя қилиш юзасидан фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқини таъминлаш ва шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. – №15. 138-модда.

² Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент. Ўзбекистон, 2004. – Б.210

³ Қаранг: Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. –Ташкент. Адолат, 1996. - С.40

борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бугунги кунда ҳуқуқшунослар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “.....эришилган бундай марралар - барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий кадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос”¹, деб таъкидлаши ҳам бу соҳада кўплаб ишлар шу жумладан тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Концепцияда, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозимлиги, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги белгиланган вазифалар адлия органлари олдида ҳам катта вазифаларни қўяди. Айнан ушбу ҳолатлар танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ амалга оширилган изланишларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

Биринчидан, тадқиқот ишининг назарий-методологик ва концептуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳар томонлама ва тизимли тарзда ёритиб берилган. Уларда Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бунда адлия органларининг ўрни ва аҳамияти ҳамда улар олдида турган долзарб вазифаларга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд².

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва уларни таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг роли ва ўрни билан боғлиқ умумназарий масалалар А.А.Азизхўжаев, Х.Б.Бобоев, М.Бойдадаев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Е.Д.Кутыбаева, С.М.Одилхўжаева, Ҳ.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, У.Таджиханов, А.Тўлаганов, Ш.З.Уразаев, М.М.Файзиев, Э.Ҳ.Халилов, А.Ж.Холбеков каби олимларнинг илмий ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган³.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент. Ўзбекистон, 2010. –Б 6.

² Ушбу асарлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида кўрсатилган.

³ Қаранг: Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент, Шарқ, 1997. – 112 б.; Бобоев Х.Б. ва бошқалар. Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент. Ўзбекистон, 1997. – 206 б.; Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. – Тошкент. Академия, 1999. – 182 б.; Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2001. – 160 б.; 3.54. Исломов З.М. Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси. – Тошкент. ТДЮИ, 2008. – 150 б.; Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан.: Автореф. дис. ...докт. юрид.наук. – Ташкент, 1999; Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Ташкент. ТГЮИ, 2007. – 129 с.; Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент. Шарқ, 2002. – 320 б.; Рахимов Ф.Х. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг маъсулияти. – Тошкент. Маънавият, 2001. – 128 б.; Рахимов Ф.Х. Защита прав и свобод человека – основной принцип

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг турли жиҳатлари Э.Абдусаломов, Х.Р.Алимов, Ғ.Ахмедов, Ғ.Бакаева, Х.А.Зокиров, С.Зокиров, Д.Матрасулов, Б.А.Миренский, Ғ.Х.Отахонов, С.Ш.Рашидова, А.Раҳманов, Б.Саломов, А.Х.Саттаров, С.Султонов, Д.Х.Узақова, М.А.Хамидова, О.Т.Хусанов, М.Қирғизбоев ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий изланишларда муайян даражада ўрганилган¹.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муаммоларини ўрганиш МДХ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларининг ҳам диққат марказида турибди. Улар қаторига В.Б.Аверьянов, Е.В.Аграновская, Г.В.Атаманчук, И.Л.Бачило, В.В.Бойцова, Н.И.Глазунова, Ю.М.Козлов, Е.А.Лукашева, О.В.Орлова, А.В.Пикуль, Ғ.Шахмалов кабиларни киритиш мумкин².

Конституции. - Ташкент: Адолат, 1994. - 64 с; Тожиҳонов У., Одиқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. - Ташкент. Шарқ, 2001. - 752 б; Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. - Ташкент. ТДЮИ, 2002. - 196 б; Уразаев Ш.З. Власть и закон. - Ташкент, 1992; Файзиев М.М. Роль и место Конституции в условиях формирования правового государства и гражданского общества в Узбекистане. // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. - Тошкент. ТДЮИ, 2004. -Б.41-48; Халилов Э.Х. Роль и значение Конституции на новом этапе развития Узбекистана. // Давлат ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2003. -№4. Б.3-5; Холбеков А.Ж. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Социология фан. докт. ... дис. - Тошкент. Академия, 2001. - 276 б.

¹ Қаранг: Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. - Ташкент. Адолат, 1996. - 44 б; Алимов Х.Р., Саловьева П.И. Административное право Республики Узбекистон. - Тошкент. Адолат, 1998. -386 с; Ахмедов Ғ., Саттаров А. Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари ва қонунлар. - Тошкент. Адолат, 1999. -168 б; Рашидова С., Бакаева Ғ. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш мониторинги тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш концепциясининг зарурлиги, ишланиши ва амалга оширилиши тўғрисида. / Инсон ҳуқуқлари мониторинги. - Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. - 160 б; Отахонов Ғ.Х. Конституция ва адлия органларининг юридик хизматни ривожлантиришдаги роли. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент. ТДЮИ, 2003. -Б.94-99; Зокиров Х.А. Оди судлов ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий муаммолари. - Тошкент, 1998; Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. -Тошкент. Мехнат, 1999. - 120 б; Матрасулов Д.Р. Правовые основы организации управления органами юстиции в Республики Узбекистан: Автореф. канд. юрид. наук. - Тошкент, 2002. - 20 б., Миренский Б.А. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. -Тошкент. Адолат, 1998. -240 б; Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Тошкент. Адолат, 2000. - 144 б; Саттаров А.Х. Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел.: Автореф. дис... докт. юрид. наук. -Ташкент. Академия МВД, 2003. -42 б; Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. - Тошкент. Адолат, 1998. - 178 б.; Узақова Д.Х. Проблемы обеспечения прав человека в Республике Узбекистан. Автореф. дис. ... канд.полит.наук. -Ташкент. АГОС, 2000. - 25 с.; Хамидова М.А. Гарантии прав и свобод человека в Республике Узбекистан (проблемы теории и практики): Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Ташкент, 2000. -21 с; Хусанов О.Т. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда Адлия органларининг иштироки (Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш). // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент. ТДЮИ, 2004. - Б. 36-41; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. - Тошкент. "Янги аср авлоди", 2006. - 204 б.

² Қаранг: Аверьянов В.Б. Аппарат государственного управления: содержание деятельности и организации структуры. - Киев., 1990. - 148 с.; Аграновская Е.В. Правовая культура личности и обеспечение прав человека. - М., 1988.; Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы). - М., ОАО "НПО Изд. "Экономика", 2000. - 302 с.; Бачило И.Л. Исполнительная власть в Российской Федерации (проблемы развития). - М.: Юристъ, 1998. - 432 с; Бойцова В.В. Служба защиты прав человека и гражданина: Мировой опыт. - М.: Бек, 1996. - 385 с; Глазунова Н.И. Система государственного управления. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 551 с; Козлов Ю.М. Исполнительная власть: центральные органы власти. - М.: Вестник МГУ. 1993. -№ 3. С.14-23; Лукашева Е.А. Общая теория прав человека. - М.: НОРМА, 1996. - 520 с; Орлова О.В. Гражданское общество и личность: политико-правовые аспекты. - М.: Академический правовой университет, 2005. - 118 с; Пикуль А.В. Система государственного управления. - М.: ЮНИТИ, 2004. - 543 с; Шахмалов Ғ. Теория государственного управления. - М.: ЗАО "Издательство "Экономика", 2002. - 638 с.

Шу билан бирга, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида адлия органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шакл ва услублари илмий нуқтаи назардан етарли тарзда ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Тошкент давлат юридик институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва институт Илмий кенгаши мажлисининг 2005 йил 7 июндаги 21-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистон Республикасида адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятини Конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда уларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертациянинг баён этилган мақсадига мос тарзда унинг қуйидаги **вазифалари** белгиланган:

- мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эканлигини кўрсатиб бериш;
- адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги функция, вазифа ва ваколатларини таҳлил қилиш ҳамда уларни амалга оширишнинг шакл ва услубларини аниқлаш;
- адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолиятининг кафолатларини тадқиқ қилиш;
- адлия тизимидаги тузилмавий бўғинларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тадқиқ қилиш;
- адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятининг ташкилий механизмларини аниқлаштириш ва таҳлил этиш;
- адлия органларининг инсон ҳуқуқларини таъминловчи бошқа тузилмалар билан муносабатини ўрганиш;
- адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг **объектини** қуйидагилар ташкил қилади: 1) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида адлия органлари билан бошқа ижтимоий субъектлар ўртасидаги муносабатлар; 2) адлия органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш механизмидаги роли билан боғлиқ масалалар юзасидан юридик фанда мавжуд бўлган илмий-концептуал ёндашувлар, ғоялар, тамойиллар ва категориялар; 3) адлия органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари; 4) адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолияти.

Тадқиқотнинг **предмети** бўлиб, адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни билан боғлиқ долзарб ҳуқуқий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, амалиёт натижаларини умумлаштириш, формал-юримдик, мантиқий ёндашув ва илмий билишнинг бошқа усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида адлия органларининг ўрни ва ролига оид фикрлари, кўрсатмалари ҳамда ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган мамлакатимиз ва хорижлик етакчи олимларнинг асарлари ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги ва бу қуйидагиларда намоён бўлиши кўрсатиб берилди: биринчидан мазкур ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонунларда, уларни амалга ошириш учун хизмат қилувчи ҳужжатларда мустақамланганлиги, иккинчидан, мамлакатимизда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир халқаро ҳуқуқ нормалари асосида фаолият юритувчи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи самарали тизимнинг яратилганлиги, учинчидан, мамлакатда амалга ошириладиган барча ислохотлар заминида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тадбирларга илмий ёндашув ва уларнинг таҳлили.

2. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимидаги муҳим ўрнини белгиловчи қуйидаги асосий жиҳатлар аниқланиб муҳокамага тақдим этилмоқда:

Биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятининг ихтисослашувига қараб шу соҳадаги тизимни ташкил этувчи субъектларни иккита асосий турга бўлиш мақсадга мувофиқ: биринчи турдаги субъектлар – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида умумий фаолият кўрсатадиган субъектлар, иккинчиси – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида махсус фаолият юритувчи субъектлар.

Иккинчидан, адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилишни амалга оширмайдилар, балки улар мазкур фаолиятни амалга оширишга кўмаклашувчи функцияни бажарадилар.

Учинчидан, адлия органларини уларнинг ваколатлари доирасидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда умумий субъектлар тизимида киритиш мумкин.

3. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимида кирувчи субъектларни муайян турларга ажратиб ўрганиш ҳамда адлия органларининг ушбу субъектлар билан муносабатларининг йўналишларини таҳлил этиш асосида адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимидаги бошқа субъектлар билан ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш юзасидан адлия органларининг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш эмас, балки ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституция ва қонунларга мос келишини таъминлаш билан боғлиқ бўлиши лозим эканлиги тўғрисидаги ҳулосалар илгари сурилди.

5. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида адлия органлари томонидан амалга ошириладиган функцияларнинг ҳуқуқий мазмун ва моҳияти таҳлил этилиб, ушбу масала юзасидан муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилди.

6. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидаги учта йўналиш бўйича таснифланиши ҳақидаги ҳулосалар илгари сурилди:

Биринчиси давлатнинг ижтимоий табиатини, унинг инсон ва жамият билан ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи норма-тамоийиллардир. Мазкур норма-тамоийиллар умумий характерга эга бўлиб, улар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, Конституцияда, конституциявий қонунларда ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади.

Иккинчи турдаги ҳуқуқий нормалар давлат фаолиятининг барча жиҳатларини эмас, балки, унинг муайян бир таркибий қисмини ташкил этувчи битта тармоққа бирлашган ижро ҳокимияти органлари тизимининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга қаратилган бўлиб, мазкур ҳуқуқий нормалар биринчи турдаги нормалардан фарқли ўлароқ, торроқ доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва адлия органларига нисбатан янада мақсадлироқ характерга эга бўлади.

Учинчи турдаги ҳуқуқий нормалар бевосита адлия органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

7. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятини ҳуқуқий кафолатлайдиган қонунчилик базаси таҳлил этилиб, уларни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг II бўлими 8.4-банди, III бўлими, 10-банд ўн тўртинчи хатбошисига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди саккизинчи хат бошисига, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисидаги таклифлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

8. Адлия органлари тузилмалари ўртасидаги вертикал ва горизонтал жиҳатдан ўзаро алоқадорликни самарали тарзда ташкил этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Илмий янгилиги шундан иборатки, аввало мавзуга оид мавжуд адабиётларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш асносида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия органларининг фаолияти билан боғлиқ назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар илк маротаба монографик даражада тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишидаги хулоса, таклиф ҳамда натижалардан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи”, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқи” фанлари ва “Инсон ҳуқуқлари” каби ўқув курсларини ўқитишда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотларда, тегишли давлат дастурларини, қонун ҳужжатларини, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги фаолиятини самарасини оширишга қаратилган ислоҳотларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан олий юридик ўқув муассасаларининг бакалаврият ҳамда магистратура талабаларига таълим бериш жараёнида фойдаланилмокда. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгиликлари асосида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ваколатли давлат органларига тақдим этилган ва уларнинг аксарияти маъқулланган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Илмий изланишларнинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўтказилган “Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари” (2006), “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий–ҳуқуқий кафолатлари” (2008) мавзуларидаги, Тошкент давлат юридик институтида ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси” (2005), “Инсон, жамият ва давлат манфаатлари акс этган қонун” (2007), “Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари” (2009), “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ахборот-коммуникатив функциясини такомиллаштириш муаммолари” (2011) мавзуларидаги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтказилган “Жаҳон тараққиёти ва глобаллашув жараёнида инфор­мацион хавфсизлик муаммолари” (2007) мавзусида бўлиб ўтган қатор илмий-амалий анжуманларда қилган маърузалари ва тезисларида баён этилган.

Тадқиқотнинг хулосалари Тошкент давлат юридик институти “Конституциявий ҳуқуқ” кафедрасининг мажлисида (2008 йил 13 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика юристлар малакасини ошириш маркази “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари фанлари” ва “Давлат-ҳуқуқий фанлари” кафедралари кенгайтирилган мажлисида (2010 йил 2 июнь), Тошкент давлат юридик институти қошидаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш бўйича Д.016.15.03 рақамли Ихтисослашган Кенгаш ҳузуридаги 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий

таълимотлар тарихи; 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича Илмий семинар мажлисида (2010 йил 9 ноябрь) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий хулосалари ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар муаллиф томонидан 2003-2011 йилларда чоп этирилган 10 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, еттита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 162 бетни ташкил қилади. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид 200 дан ортиқ адабиётдан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, ҳимояга қўйилаётган асосий якуний хулосалар, натижалар, илмий тавсиялар, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши асослаб берилган, шунингдек, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертация ишининг **“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимида адлия органлари”** деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, **“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида”** деб аталган биринчи параграфда инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги кўрсатиб берилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун давлат бир томондан инсонни айнан шундай ҳуқуқларини тан олиши, иккинчи томондан уни таъминлашга қаратилган ўзининг самарали сиёсатини ўтказиб, ушбу жараёнга таъсир кўрсатиб бориши талаб этилади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида айнан ушбу жиҳатларга асосий омил сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган¹. Ушбу конституциявий тамойил давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, бир вақтнинг ўзида инсон ҳаётининг барча жабҳаларига қаратилган ҳамда унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги манфаатларини қамраб олган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидаги асосий учта шаклдаги сиёсий – ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлади: биринчиси, бу халқаро ҳуқуқий норматив ҳужжатлар, иккинчиси, қонун ва қонуности ҳужжатлари; учинчиси,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари, асарлари ва концепциялари.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, мазкур ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонунларда ҳамда уларни амалга ошириш учун хизмат қилувчи ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги; иккинчидан, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда инсон ҳуқуқларига доир халқаро нормалар асосида фаолият юритувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи самарали тизимнинг яратилганлиги; учинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган барча ислохотлар заминида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тадбирлар ётиши.

“Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимидаги ўрни” деб номланган иккинчи параграфда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими серкирра ижтимоий-сиёсий воқелик эканлиги, у ўз ичига бир қатор субъектлар ва фаолият йўналишларини қамраб олиши, мазкур вазифани амалга оширишда жамиятдаги барча давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар иштирок этиши кўрсатилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар фаолият турининг ихтисослашувига қараб умумий ва махсус турларга ажратилади.

Агар умумий субъектларга барча давлат органлари кирса, махсус субъектларга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида махсус ташкил этилган ва ушбу фаолият тури билан шуғулланадиган институтлар киради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш асосий вазифаларидан ҳисобланувчи давлат органлари тизимида: суд, прокуратура, адлия органлари, ички ишлар органлари киради. Юқоридагилар билан бирга, бевосита қуйидаги миллий институтларининг фаолияти ҳам ушбу масалаларга қаратилган: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)¹, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази², Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти³.

Адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги субъектларнинг биринчи турига мансуб бўлиб, улар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш билан шуғулланмасдан, балки, ушбу соҳадаги фаолиятни бошқа вазифалар билан бирга қўшиб олиб борадилар. Уларнинг бу борадаги асосий вазифаси ҳуқуқий кафолатларни яратиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда иштирок этишда намоён бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан шуғулланувчи махсус давлат органлари ва институтлари, яъни иккинчи турдаги субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилиши лозим. Бу мазкур

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005. —№3-4. 142-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. —№12. 11-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. —№14 (150). 100-модда.

давлат органлари ва институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятларини самарали ва мақсадли мувофиқлаштириш имконини беради. Адлия органлари бошқа давлат органларидан фарқли ўлароқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида тегишли ҳуқуқ нормаларига риоя этиш юзасидан барча ҳолатларга нисбатан таҳлилий-назорат функциясини бажариб борадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан муносабатда бўлиб, уларнинг фаолиятини айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ҳам иштирок қилиш ҳуқуқларига эга. Бундай турдаги фаолият натижасида адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида уларни махсус ҳимояси билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини, шу жумладан бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўришда воситачилик ролини ўтайдилар.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, у уч параграфни ўз ичига олади.

“Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ваколатлари” деб аталган параграфда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом асосида вазирлик ва унинг тузилмалари ҳуқуқлари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу ҳуқуқларни айримлари бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги, айрим ҳуқуқлар бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид бўлмасида, уларнинг мазмунидан мазкур ҳуқуқларда ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи ўз ифодасини топганлиги аниқланган ҳамда Адлия вазирлигига бошқа давлат органлари бажариши учун мажбурий характердаги тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилганлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, таъминлашдаги муҳим восита эканлиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ваколатлари, уларга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини бошқариш имкониятини бериши қайд этилган.

“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан адлия органлари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий шакллари”, деб номланган иккинчи параграфда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида адлия органларининг бошқа шундай субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилар экан, ҳамкорликни ташкил этишда қуйидаги салбий ҳолатлар кўрсатиб ўтилган: биринчидан, ваколатларнинг аниқ эмаслиги; иккинчидан, Адлия вазирлиги функцияларининг хаддан ташқари кенглиги ва бунинг натижасида давлат органларининг ваколатларини аралашиб кетиши; учинчидан, Адлия вазирлигининг ўзини энг муҳим вазифаларини бажаришдан чалғиши.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фукаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар чуқурлашган сари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласининг долзарблиги ошиб бормокда. Ўз навбатида, мазкур масала ечимининг негизида нафақат давлат ҳокимияти органларининг маъмурий чоралари, балки муайян

ҳуқуқий механизм асосида шаклланган ижтимоий-сиёсий тизим ётишини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, бундай тизимнинг мавжудлиги мансабдор шахсларнинг ўзгариб туришидан қатъий назар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг барқарор бўлишини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида айнан шундай тизимнинг ҳозирги вақтгача яратилмаганлиги ва уни шакллантириш долзарблиги борасида тўхталиб ўтар экан, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “...номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, авваламбор, самарали ишлайдиган изчил система, тизимни шакллантириш керак ва бу тизим шундай ишлаши керакки, борди-ю бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъий назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт”¹.

Ўз навбатида, бундай тизимнинг шаклланмаганлиги учун адлия органларига маъмурий усуллар асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш вазифасини юклаш тўғри бўлмайди. Бинобарин, ўтиш даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ вазифа ва ваколатларни муайян давлат органига хос бўлмасада, унинг зиммасига юкланиши ушбу соҳада бошқарув жараёнининг самарали ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай вазиятда давлат органларининг функцияларини аралаштириб юбормаслик, ҳар бир давлат органининг ўзини аниқ ваколатларига эга бўлишини ҳамда ўз фаолияти юзасидан масъулиятини оширган ҳолда унинг натижалари юзасидан аниқ жавобгарликни ўташини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан фаолият юритиши билан боғлиқ муайян муаммолар қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида фаолият олиб борувчи кучларнинг бўлиниб кетиши; иккинчидан, мазкур вазифани бажариши лозим бўлган махсус органлар масъулиятининг пасайиши; учинчидан, адлия органларининг ўзларига хос бўлган функцияларни бажаришларига тўсқинликларнинг келиб чиқиши ва бошқалар.

Адлия органлари фуқароларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқишга киришмасдан, балки шу мурожаатларни кўриб чиқиш борасидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш ва шу йўл билан бу соҳада давлатнинг тегишли сиёсатини амалга оширилишини таъминлаб бориши лозим. Бунинг учун адлия органлари тегишли ҳуқуқий асосларни ва уни амалга оширилиши амалиётини сифатли ўрганиб, уни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ҳозирги куннинг энг муҳим масаласи **“Адлия органларининг тадбиркорлик ҳуқуқини таъминлаш**

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент. Ўзбекистон, 2005. –Б.75-76.

ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш борасидаги фаолияти” махсус ўрганилган.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда бозор муносабатларини шакллантириш кўп жиҳатдан тадбиркорлар қатламини шакллантиришга боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратиши ҳамда ушбу фаолият билан шуғулланувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш масалалари юзасидан муайян сиёсатни олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш жараёнида махсус ташкилий усулларни қўллаш лозим, бунда фақат қонунларни яратишнинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги кунда бюрократизм, асоссиз текширувлар каби салбий ҳолатлар тадбиркорликнинг ривожланишига муайян даражада тўсқинлик қилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юқори даражада шаклланмаганлиги ва уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мавжуд қонуний имкониятлардан тўлалигича фойдаланиш кўникмаларига эга эмасликлари ҳам юқоридаги салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан солиқ идоралари, ёнғин хавфсизлиги хизмати, божхона идоралари, санитария-эпидемиология назорати идоралари, лицензияловчи органлар, адлия органлари ва бошқа идора ходимларидан 2670 нафари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, тадбиркорларнинг 39,1 фоизи тадбиркорлик фаолиятини юритиш қоидаларини яхши билмасликлари, 19 фоиздан ортиғи давлат хизматчилари томонидан уларга қонунларни тушуниб олишда амалий ёрдам берилмаётгани, 15 фоизга яқини қонун ҳужжатларида ўзаро қарама-қаршиликлар мавжудлиги тўғрисида фикр билдирганлар. Шу билан бирга, респондентларнинг 40 фоизидан ортиғи ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, қонун ҳужжатлари ҳажмининг кўплиги ва мураккаблиги учун уларнинг моҳиятини тушуниш қийинлиги, бу эса ўз навбатида ўзларига нисбатан турли даражадаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўлишини кўрсатиб ўтганлар¹.

Ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш вазифасини бажариши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг ўзлари томонидан ҳуқуқни бузиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Юқоридаги салбий ҳолатларни олдини олиш учун тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адлия органлари томонидан ҳимоя қилинишини самарали таъминлаш ҳамда шартномавий муносабатларнинг тегишли қонунчиликка мос тузилиши учун етарли ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш лозим. Булар эса ўз навбатида, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятини такомиллаштириш муаммолари”** деб номланган. Мазкур боб ўз ичига “Адлия органларининг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиш ҳолати тўғрисида”ги 2006 йил бўйича ҳисоботи. // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йил бўйича жорий архиви

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари” ва “Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли параграфларни қамраб олган..

Мазкур бобнинг биринчи параграфида мустақиллик йилларида мамлакатимизда адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича олиб борилган ишлар таҳлил қилинган. Адлия органларининг бу борадаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ўзига хос хусусиятларга эгаллиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу ўзига хослик адлия органларининг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида давлатнинг махсус вазифасини бажаришга йўналтирилганлиги ҳамда шу мақсад юзасидан уларга махсус ваколатлар берилганлигидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳамда муайян мамлакатга хос бўлган анъаналар ҳамда илмий назариялар таъсири остида шаклланган ҳодисадир. Ижтимоий муносабатлар тарихий шаклланишининг ҳар бир босқичига инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ўзига хос хусусиятлари хос бўлади. “Инсон ҳуқуқлари – бутун инсоният интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунчадир... Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик - инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради”¹.

Мамлакатимизда адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар, конституция, конституциявий қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида муайян даражада мустаҳкамлаб қўйилган бўлсада, ижтимоий воқеликнинг бугунги ҳолати бу борадаги миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни тақозо этаётганлигини кўрсатиб турибди.

Адлия органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни хусусиятига қараб қуйидаги учта асосий турга бўлиш мумкин: халқаро ва умумдавлат доирасидаги, ижро ҳокимияти тармоғи доирасидаги ва адлия органлари тизими доирасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий жиҳатлари шундаки, улар адлия органларининг ҳуқуқий ҳолатини институционал ва функционал жиҳатларини шакллантиради. Бу эса адлия органларини ташкил этилиши ва фаолиятининг мазмун моҳиятини белгилаб беради ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий механизминини вужудга келтиради. Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири – бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг тизимлилигини, мунтазамлигини ва энг муҳими, унинг муваффақиятини

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари. –Тошкент. Адолат, 1997. –Б.6

таъминлашда муҳим ўрин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш механизмини такомиллаштириш, хусусан, адлия органларининг фаолиятини мазкур жараёнларга мос ҳолда ривожлантириб боришдир.

Мустақиллик йилларида адлия органлари томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва унинг мониторинги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. “Аввало ушбу йўналишда янги қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан ҳамкорлик кучайтирилди”¹.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади”², деган фикрлари адлия органларини фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруратини туғдиради.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этиши ва бу борадаги асосий йўналишлар таҳлил қилинган.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти юзасидан мавжуд айрим муаммовий масалаларни ва уларнинг ечимларини қуйидаги йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ: **Биринчидан**, адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги фаолиятининг мазмуни давлат бошқаруви органлари томонидан қонунларни қўллаш юзасидан қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлари тизимини ягона давлат сиёсати тизимига мослаштиришни ташкил

¹ Мустафаев Б. Мустақиллик ва ҳуқуқ. //Ўзбекистон овози. –Тошкент, 2006. 25 май.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент. Ўзбекистон, 2010. –Б 27

этиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий механизмни шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. **Иккинчидан**, адлия органлари давлат ҳокимиятининг бошқа идоралари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш фаолиятида фаол субъект сифатида майдонга чиқишлари лозим. **Учинчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида кенг жамоатчилик орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш адлия органлари фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бунда фуқароларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. **Тўртинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқларини судгача бўлган тартибда ҳимоя қилиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузган мансабдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб чиқиш мақсадида тегишли тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. **Бешинчидан**, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши суд органларининг аралашувисиз ҳал бўлмайдиган кўпгина низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқий онгининг ошиб бориши ижро ҳокимиятининг турли хил даражадаги органлари фаолиятига нисбатан даъволар ҳажмининг кўпайишига олиб келади. Бинобарин, бундай ҳолатлар фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини, шу жумладан, қонунда белгиланган тартибда бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартибларини янада такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил қилиш ва уларни юқоридаги йўналишлар асосида ҳал этиш, ўз навбатида мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг сифат ва самарасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз сабъ-ҳаракатларимизни бирлаштириб, энг асосий қоида ҳозирги замон ҷамият тараққиётининг бебаҳо бойлиги, ҳатто барқарорликни ўрнатишнинг муҳим шарти сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат-эҳтиромни мустаҳкамлашимиз керак”¹.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик ҷамиятини шакллантириш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан адлия органларининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари, ўз навбатида, қуйидаги хулосаларга келишга ва бу соҳадаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган тегишли қонунчилик ва механизмларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент. Ўзбекистон, 1996. – Б.35

I. Илмий назарий хулосалар

1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур йўналишнинг моҳияти биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг Конституция ва қонунларда, уларни амалга оширишни таъминловчи ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги, иккинчидан мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар заминида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тадбирлар ётишида намоён бўлади.

2. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими серқирра ижтимоий-сиёсий воқелик бўлиб, у ўз ичига бир қатор субъектлар ва фаолият йўналишларини қамраб олади. Бинобарин, мазкур вазифани амалга оширишда давлат ҳокимиятининг барча органлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар иштирок этадилар.

3. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимидаги тутган ўрнини таҳлил қилиш баробарида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятининг ихтисослашувига қараб шу соҳадаги тизимни ташкил этувчи субъектларни иккита асосий турга бўлиш мақсадга мувофиқ: биринчи турдаги субъектлар – бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида умумий фаолият кўрсатадиган субъектлар, иккинчиси – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида махсус фаолият юритувчи субъектлар;

Иккинчидан, адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилишни амалга оширмайдилар, балки улар мазкур фаолиятни амалга оширишга кўмаклашувчи функцияни бажарадилар;

Учинчидан, адлия органларининг ваколатлари доирасидан келиб чиқиб, уларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда умумий субъектлар тизимига киритиш мумкин.

4. Норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини, давлат ва жамият қурилиши соҳасида қонунийликни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш эмас, балки ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида уларнинг Конституция ва қонунларга мос келишини кўриб чиқиш ва тегишли баҳо бериш билан ҳам боғлиқ бўлиши лозим. Бинобарин, адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг мазмуни давлат бошқаруви органлари томонидан қонунларни қўллаш мақсадида қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлар тизимини ягона давлат сиёсати тизимига мослаштиришни ташкил этиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак.

Агарда адлия органлари қўшимча ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан эмас, балки бевосита ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғуллансалар, бунда улар биринчидан, ўзларининг асосий вазифаларини бажаришга ўз кучларини тўла йўналтира олмайдилар; иккинчидан, бундай вазият уларга хос бўлмаган функциялар билан шуғулланаётганликларини англатади; учинчидан, мазкур фаолият тури билан махсус шуғулланувчи органларнинг функциялари муайян даражада такрорланади.

5. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг низомидан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, мазкур вазифаларни иккита асосий йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мумкин: биринчиси – бу тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; иккинчиси – бу шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги давлат вазифаларини амалга ошириш.

6. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидаги уч турга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

Биринчиси, давлатнинг ижтимоий табиатини, унинг инсон ва жамият билан ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи норма-тамоийиллардир. Мазкур норма-тамоийиллар умумий характерга эга бўлиб, улар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, Конституцияда, конституциявий қонунларда ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади.

Иккинчи турдаги ҳуқуқий асослар давлат фаолиятининг барча жиҳатларини эмас, балки, унинг бир таркибий қисмини ташкил этувчи ягона тармоққа бирлашган ижро ҳокимияти органлари тизимининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга қаратилган. Мазкур ҳуқуқий нормалар биринчи турдаги нормалардан фарқли ўлароқ, торроқ доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва адлия органларига нисбатан янада мақсадлироқ характерга эга бўлади. Бу турдаги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари, фармонлари, фармойишлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Учинчи турдаги ҳуқуқий нормалар бевосита адлия органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг локал ҳужжатларида ўз аксини топади.

II. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия

органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг II бўлими 8.4-бандида вазирликни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ўзаро муносабатда бўлиши белгиланган, лекин бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти назарда тутилмаган. Шу каби ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомининг 6-банди саккизинчи хатбошисида ҳам кўриш мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг II бўлими 8.4-бандига адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолиятида ҳамкорлик субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идораларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг низомида қуйидагилар мустаҳкамланган: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш; давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқалар¹. Ушбу ўринда эътирозга сабаб бўладиган ҳолат, адлия органларига юклатилган айрим масалалар, яъни ҳуқуқий таълим соҳасидаги ваколатлар Миллий марказга ҳам юклатилган. Бизнинг фикримизча, моҳиятан бир хил вазифаларнинг турли давлат органлари зиммасига юклатилиши, ўз навбатида тегишли тизимнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилиши ҳамда умумий маъсулиятсизлик ҳолатларига олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низомларда юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни юридик техника қоидаларига амал қилган ҳолда мувофиқлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, юридик таълимга оид адабиётларни мувофиқлаштириш ваколатини Адлия вазирлигига, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш ва уларни шарҳига оид ўқув-методик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил бўйича архиви.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. –№12. 11-модда

адабиётларни чоп этиш ваколатини эса Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва умумлаштириш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан давлат даражасида асослантирилган чораларни қўллаш мақсадида фикримизча, мазкур вазифани адлия органлари зиммасига юклаш ҳамда ушбу фаолият юзасидан масъул қилиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасини белгилаш лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига қуйидаги таҳрирда янги иккинчи бандни киритиш мақсадга мувофиқ: “Фуқароларнинг мурожаатларини умумлаштириш ва таҳлилини олиб бориш умумдавлат даражасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади”. Шундай турдаги қўшимчани Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳам киритиш лозим.

4. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида адлия органлари тузилмаларидаги бўлинмалар ўртасида вертикал ва горизонтал жиҳатдан ўзаро алоқадорликнинг самарали тарзда ташкил қилиш зарурати мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан, тегишли қонунчиликда адлия органлари бошқарма ва бўлимлари ўртасида ваколатлар мақсадга мувофиқ тақсимланмаган. Бунда икки турдаги, яъни Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқарма ва бўлимлари ўзларининг фаолият турига кўра Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг вазифасини бир қисмини ва унинг фаолият йўналишларининг айрим томонларини муайян даражада такрорлайдилар. Бизнинг фикримизча, мазкур иккала турдаги бошқарма ва бўлимларнинг фаолияти Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқарма ва бўлимлари томонидан мувофиқлаштирилиб борилиши лозим.

5. Адлия органларининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолияти билан шуғулланадиган бўлинмаларнинг номларида ноаниқликлар мавжудлигини кўрамиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқарма ва бўлимлари ташкил этилган. Уларнинг бундай номланиши мазкур бўлим ва бошқармаларнинг фаолияти асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлигини билдиради.

Ваҳолангки, адлия органларининг фаолиятини тартибга солувчи барча меъёрий ҳужжатларда, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида, Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомда, бўлим ва бошқармаларнинг низомларида адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан вазифалари белгиланишида “ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишни таъминлаш” деган ибора қўлланилган. Демак,

бизнинг фикримизча, адлия органлари бошқарма ва бўлимларининг номланишида “ҳимоя қилишни таъминлаш” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятини олиб боришида уларнинг Олий Мажлисга мурожаат қилиш ҳуқуқларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу эса ўз навбатида, адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг самарасини ошишига олиб келган бўлар эди. Бинобарин, мазкур ҳуқуқий механизм орқали адлия органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги вазифаларини бажаришда бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган, яъни асосан қонунчиликни бу борадаги ҳолат юзасидан ўзининг муносабатини билдириб бориш орқали ушбу жараённинг такомиллашишига ўз таъсирини кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларга палаталарнинг ҳукумат аъзоларини, шу жумладан, адлия вазирини, палаталарнинг мажлисида хоҳлаган вақтда эшитилишига ҳақлилиги; иккинчиси палаталарнинг ҳукумат аъзоларини, жумладан адлия вазирини ҳам, қонунларни бажариш борасидаги ҳисоботини эшитиш ҳуқуқини киритиш билан боғлиқ мазмундаги нормаларни киритиш лозим. Бундай ҳуқуқий тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги кўрсатмаларини амалга ошишини таъминлайди: “Ҳар қандай ҳукумат аъзоси, ҳар қайси вазир ўз соҳасига маъсул бўлиб, Президент олдида жавоб беради. Керак бўлса, Парламентга бориб, депутатлар олдида ҳам ҳисобот беради”¹.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш масаласи қўйилди. Ушбу вазифа адлия органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Мазкур концепцияда шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатилди. Ўз навбатида, қабул қилинадиган дастурларда адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятига оид аниқ вазифаларни белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Тошкент. Ўзбекистон, 2005. – Б. 82.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Саид-Газиева С.Ш. Эр-хотин ўртасидаги муносабатларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларининг ўрни // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, ТДЮИ, 2003. –№5. –Б.89-90.

2. Саид-Газиева С.Ш. Никоҳни қайд этиш тартибининг кафолатланиши // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, ТДЮИ, 2004. –№7. –Б.279-282.

3. Саид-Газиева С.Ш. Конституция – инсон ҳуқуқларининг кафолати // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси: Илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. – Б. 3-9.

4. Саид-Газиева С.Ш. Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш фаолияти // Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. – Б.170-176.

5. Саид-Газиева С.Ш. Адлия органларининг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашдаги конституциявий асослари // Жаҳон тараққиёти ва глобаллашув жараёнида информацион хавфсизлик муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЖИДУ, 2007. – Б.58-62.

6. Саид-Газиева С.Ш. Конституция – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг асоси // Инсон, жамият ва давлат манфаатлари акс этган қонун: Илмий анжуман материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2007. – Б.317-323.

7. Саид-Газиева С.Ш. Инсон ҳаётининг мазмуни, авлодининг давомчиси фарзанддир // Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истикболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош Прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, UNISEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2007. – Б.124-130.

8. Саид-Газиева С.Ш. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимида адлия органларининг тутган ўрни // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. Махсус сон. –Б.26-27.

9. Саид-Газиева С.Ш. Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч. –Тошкент, 2008. – № 4. – Б.42-43.

10. Саид-Газиева С.Ш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш– давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий – ҳуқуқий кафолатлари: Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2008. – Б.37-40.

11. Саид-Газиева С.Ш. Аёллар траффигининг ҳуқуқий муаммолари // Олий суд Ахборотномаси. –Тошкент, 2008. –№ 6. – Б. 16-18.

12. Саид-Газиева С.Ш. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф

этиш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. –Б.344-352.

13. Саид-Газиева С.Ш. Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари // Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ахборот-коммуникатив функциясини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2011. –Б.123-126.

Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Саид-Газиева Самира Шерзодовнанинг 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича “Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолияти” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: фуқаролик жамияти, адлия органлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, қонунчилик тизими, функция, ижро ҳокимияти.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия органларининг ўрни ва роли билан боғлиқ ҳуқуқий ташкилий масалалар.

Ишнинг мақсади: Адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолиятига оид масалаларни “Конституциявий ҳуқуқ” фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, амалиёт натижаларини умумлаштириш, формал-юридик, мантиқий ёндашув ва илмий билишнинг бошқа усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия органларининг ўрни ва роли “Конституциявий ҳуқуқ” фани нуқтаи назаридан монографик даражада тадқиқ этилган; диссертацияда адлия органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини ва тегишли механизмларни такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: адлия органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда самарали фаолият юритиши билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришга эришиш; инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизими субъектлари билан адлия органлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш; фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан ТДЮИнинг бакалавриат йўналишида “Конституциявий ҳуқуқ” фанидан таълим бериш жараёнида фойдаланилмоқда. Тадқиқот натижасида олинган аниқ таклифлар ваколатли давлат органларига тақдим этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тегишли қонунчиликни такомиллаштириш жараёни; адлия органларининг фаолияти; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар; ўқув жараёни; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш.

РЕЗЮМЕ

диссертации Саид-Газиевой Самиры Шерзодовны на тему: «Деятельность органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.02 – Конституционное право; административное право; финансовое право

Ключевые слова: гражданское общество, органы юстиции, права и свободы человека, защита, обеспечение прав и свобод человека, правовая система, функция, исполнительная власть.

Объекты исследования: правовые вопросы, связанные с ролью и значением органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан в Республике Узбекистан.

Цель работы: Изучение вопросов связанных с деятельностью органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан с позиции предмета «Конституционное право».

Методы исследования: системные, проблемно-целевые, сравнительно – правовые, формально-юридические, обобщение практических результатов, логический подход и другие методы научного познания.

Полученные результаты и их новизна: на основе научного исследования проведенного с позиции предмета «Конституционное право» и анализа соответствующих материалов, исследованы на монографическом уровне роль и значение органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан; в диссертации дан ряд предложений по усовершенствованию действующего законодательства и соответствующих механизмов, направленных на регулирование действий органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан.

Практическая значимость: усовершенствование законодательства, связанного с эффективной деятельностью органов юстиции в обеспечении прав и свобод граждан; обеспечение эффективного сотрудничества и отношений между органами юстиции и субъектами системы обеспечения прав человека; повышение правового сознания и культуры граждан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования используются в учебном процессе на бакалавриате ТГЮИ по предмету «Конституционное право». Предложения, сделанные в результате исследования, представлены в соответствующие государственные органы.

Область применения: процесс усовершенствования соответствующего законодательства; деятельность органов юстиции; научные исследования в сфере обеспечения прав и свобод граждан; учебный процесс; повышение правового сознания и культуры населения.

RESUME

Thesis of Said-Gazieva Samira Sherzodovna on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in law on specialty 12.00.02 - Constitutional law; administrative law; financial law subject: "The activity of judicial bodies in maintenance of the rights and freedoms of citizens"

Key words: civil society, judicial bodies, rights and freedoms of the person, protection, maintenance of the rights and freedoms of the person, legal system, function, executive power.

Subject of research: legal matters connected with the role of judicial authorities in maintenance of the rights and freedoms of citizens in the Republic of Uzbekistan.

Purpose of work: Studying the matters connected with activity of judicial authorities in maintenance of the rights and freedoms of citizens from the position of "Constitutional law".

Methods of research: system, problem-targeted, comparative and legal, formal-legal, generalization of practical results, logic approach and other methods of scientific cognition.

The results obtained and their novelty: on the basis of scientific research made from "Constitutional law" position and the analysis of corresponding materials, the role of judicial bodies in maintenance of the rights and freedoms of citizens is researched at monographic level; in the dissertation a number of offers on improvement of the current legislation and the corresponding mechanisms directed on regulation of actions of judicial bodies in maintenance of the rights and freedoms of citizens is given.

Practical value: improvement of the legislation connected with activity of judicial bodies in maintenance of the rights and freedoms of citizens; maintenance of effective cooperation and relations between judicial bodies and subjects of maintenance of human rights system; increase of legal consciousness and culture of citizens.

Degree of embed and economic effectivity: results of the research are used in educational process on bachelor degree of TSLI in "Constitutional law" subject. The offers made in the research are presented to corresponding state bodies.

Field of application: process of improvement of the corresponding legislation; activity of judicial bodies; scientific researches in the sphere of maintenance of the rights and freedoms of citizens; educational process; increase of legal consciousness and culture of the population.